

**Аудитнинг Халқаро стандартларига (АХС- 700) мувофиқ мустақил ўтказилган аудит бўйича
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Қашқадарё вилоят "NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH" акциядорлик жамияти акциядорлари ва раҳбарларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлиқ номи:	"NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH" акциядорлик жамияти
Юридик манзил:	Косон тумани, Мустақиллик шох кучаси 19 уй.
Ҳисоб рақами:	20210000400533580001. "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ бош офиси
МФО:	00440
ОКЭД:	43130
СТИР:	201787580
Тел:	99-666-40-04
Асос:	19.04.2023 йил 73/023-сон шартнома

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори (Аудитор малака сертификати №05846. 16.12.2021 йил) Раззоқов Давронбек Неъматжон ўғли "NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH" АЖ акциядорлик жамияти нинг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиге асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда аудитор, вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча "NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH" АЖ нинг молиявий ҳисоботлари унинг 2022 йил 31 декабр қадар бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖ «PROMSTROY-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори



Ж.Саидов

(АХС- 700. 2-илова)

Хулоса ёзилган сана: 28.04.2023 йил